

Мен мактабда муаллим бўлсам, исломга қандай хизмат қиламан!



10:10 / 25.01.2022 3132

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳудан сўрадилар:

- Сен «Сахина Роббисини мағлуб қилишини айтди. Мутлақ Ғолиб бўлмиш Аллоҳни мағлуб қилмоқчи бўлганларнинг ўзлари мағлуб бўлишади!», деган гапни айтдингми?

- Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дедилар:

- Аллоҳ сенинг бу гапингни унутгани йўқ!

Воқеа аслида бундай бўлган:

«Ибн Зибаро исмли мушрик Ҳандақ ғазотида мусулмонларни ҳажв қилди. Мушриклар қўшинини мақтади. Унга Ҳассон ибн Собит ва Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳумолар ўз шеърлари билан жавоб қайтаришди. Ана шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳуга: «Аллоҳ сенинг бу гапингни унутгани йўқ!», дедилар.

Юқоридаги Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳунинг байтининг маъноси бундай: «Сахина Қурайшнинг яна бир номи. Қурайш Роббисига қарши куфр

ва саркашлик билан курашди. У Аллоҳга, Расулига ва мўминларга қарши курашди. Аллоҳ ва Расулини мағлуб қилмоқчи бўлганлар, албатта ўзлари мағлуб бўлишади!».

Бу диннинг чегаралари кўп. Биздан ҳар-биримиз динимизни сақлаш учун қайси чегарада турганимизни аниқлаб олишимиз лозим. Уни қонимиз ва гўштимиз билан ҳимоя қилишимиз лозим. Бу бизни жаннатга олиб борадиган йўлимиздир.

Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳу шеър ёзиш ва айтишга иқтидорли эди. У ўзининг қофиялари билан бу динни ҳимоя қилди. Чунки жанг, шеър жанги эди. Қурайшнинг шоири ибн Зибаро исмли мушрик мусулмонлар ва уларнинг даъватини масхара қилди. Каъб розиёллоҳу анҳу унга раддия берди. У шунақа байтни айтдики, унинг байти ер ва самолар Роббисига маъқул келди.

Битта шеър билан Каъб ибн Молик розиёллоҳу анҳу Аллоҳ розилигини топди.

Биз ҳам амалимизни кичик ҳисобламасдан амал қилаверишимиз керак. Ўз чегарамизни ҳимоя қилишимиз лозим. Ислом бизнинг томонимиздан мусибатга учрамасин. Иншааллоҳ нажотимиз ана шунда бўлади!

Азиз синглим! «Мен уй хизматкори бўлсам, исломга нима хизмат қила олар эдим?!», деманг. Аллоҳ сизга раҳм қилсин! Ислом қаҳрамонлари сиз каби мураббия, мухлиса, онг соҳибаси бўлмиш оналаримиздан туғилган.

Азиз дўстим! «Мен мактабда муаллим бўлсам, исломга қанақа хизмат тақдим қилишим мумкин?!», деманг. Аллоҳ сизга раҳм қилсин! Эртанги Ислом лашкари сизнинг қўлингиздаги ёш авлод эмасми?!

Биз динга берган қайси ёрдамимиз туфайли жаннатга киришимизни билмаймиз. Эҳтимол динни ҳимоя қилиб ёзган икки байт шеъримиз туфайли кирармиз жаннатга. Ёки биргина инсоннинг ҳаётини ўзгартириб юборган ижтимоий тармоқдаги мақоламиз сабабли Аллоҳ бизни кечирар ва жаннатига киритар эҳтимол. Эҳтимол эсанкираб қолган кишига кўрсатган йўлимиз туфайли кирармиз жаннатга. Балки фақирнинг қўлига қўйган озгина садақамиз Аллоҳга мақбул бўлар. Аллоҳнинг рози қилиш бизга жуда яқин туради. Инсоннинг хаёлига келмаган кичкина бир иши Аллоҳга ёқиб мағфират қилиши мумкин уни!

Ривоят қилинишича, луғат имомларидан бўлган имом Сибвайҳ вафот қилганидан сўнг шогирдларидан бири уни тушида кўриб сўради:

- Аллоҳ сизга қандай муомала қилди, устоз?

Сибвайҳ роҳимаҳуллоҳ деди:

- Аллоҳ мени «Аллоҳ» лафзи аламдир (атоқли одир) таърифга ҳожати йўқдир!», деган гапим учун мағфират қилди!

Луғат олимларидан Халил ибн Аҳмад роҳимаҳуллоҳни биров тушида кўриб сўради:

- Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?

Халил деди:

- Аллоҳ мени бир кампирга Фотиҳа сурасини ўргатганим учун мағфират қилди!

Абдулқодир Полвонов